



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ИНСПЕКТОРИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Эпизоотик жиҳатдан осойишта бўлмаган давлатлардан давлат
ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга
вақтинча чеклов жорий этиш тўғрисида**

Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш халқаро ташкилотининг “Ердаги ҳайвонлар соғлиғи тўғрисида”ги халқаро кодекси, “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ветеринария хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарори 4-илоvasи билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ, Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилотининг расмий маълумотида қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, мамлакатимиз ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори **қарор қилади:**

1. Эпизоотик жиҳатдан осойишта бўлмаган давлатлардан (ҳудудлардан) давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга нисбатан янгиланган вақтинча чеклов ўрнатилган давлатлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Эпизоотик жиҳатдан осойишта бўлмаган давлатлардан (ҳудудлардан) давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга нисбатан рухсатнома ва ветеринария гувоҳномалари янгиланган чекловга асосан расмийлаштирилиши тўхтатилсин;

Қарор эълон қилингунга қадар экспортёр давлат томонидан ветеринария ҳужжатлари расмийлаштирилиб йўлга чиққан товарлар бундан мустасно.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, Давлат чегараси ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспектори жисмоний ва юридик шахсларга иловада кўрсатилган давлатлардан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга нисбатан рухсатнома расмийлаштирилиши тўхтатилганлиги тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борсин.

4. Қўмитанинг Ахборот хизмати бўлими (А.Суюнов):


ушбу қарор ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат органлари ва муассасалар, тегишли вазирлик ва идоралар, корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга етказилсин ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилиши таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг 2019 йил 27 мартдаги 2-сон, 2019 йил 19 апрелдаги 3-сон, 2019 йил 3 октябрдаги 6-сон ҳамда 2020 йил 24 февралдаги 02-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосари А.Акбаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош давлат ветеринария инспектори



Б.Норқобилов

Тошкент ш.,
2020 йил "29" 06
9 - сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош давлат ветеринария инспекторининг
2020 йил “29” СНОЧДҚ 200
9 -сон қарорига илова

Эпизоотик жиҳатдан осойишта бўлмаган давлатлардан (худудлардан) давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни импорт қилишга нисбатан янгиланган вақтинча чеклов ўрнатилган давлатлар рўйхати*

Т/р	Давлат номи*	Чеклов ўрнатилган худуд номи	Товар тури	Рўйхатга олинган касаллик номи
1.	Албания	Корсе провинцияси	Йирик ва майда шохли мол, туя, блютанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк хайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блютанг
2.	Афғонистон	Мамлакат худуди	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда маҳсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
3.	Белгия	Мамлакат худуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан маҳсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўчкаларнинг африка ўлати
	Белгия	Мамлакат худуди	Йирик ва майда шохли мол, туя, блютанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк хайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блютанг
4.	Болгария	Мамлакат худуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан маҳсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўчкаларнинг африка ўлати
	Болгария	Мамлакат худуди	Куй ва эчкилар шунингдек, майда шохли моллар ўлатига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк хайвонлари, гўшт, тери-жун хом ашёлари	Майда шохли моллар ўлати

Т/р	Давлат номи*	Чеклов ўрнатилган худуд номи	Товар тури	Рўйхатга олинган касаллик номи
5.	Венгрия	Мамлакат худуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан махсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўчкаларнинг африка ўлати
	Венгрия	Бекеш, Чонград, Бач-Кишкун	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
6.	Вьетнам	Мамлакат худуди	Тирик ҳайвонлар (қорамол, чўчка, қуй-эчки), гўшт ва хом ашёси	Оқсил
	Вьетнам	Мамлакат худуди	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
7.	Германия	Саксония-Анхальт, Нижняя Саксония	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
8.	Греция	Мамлакат худуди	Йирик ва майда шохли мол, туя, блотанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк ҳайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блотанг

Т/р	Давлат номи*	Чеклов ўрнатилган худуд номи	Товар тури	Рўйхатга олинган касаллик номи
	Греция	Мамлакат худуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан махсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўчкаларнинг африка ўлати
9.	Хиндистон	Мамлакат худуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан махсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўчкаларнинг африка ва классик ўлат касалликлари
	Хиндистон	Мамлакат худуди	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
10.	Италия	Венеция худуди	Йирик ва майда шохли мол, туя, блотанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк ҳайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блотанг
11.	Ироқ	Мамлакат худуди	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
12.	Хитой Халқ Республикаси	Мамлакат худуди	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи

Т/р	Давлат номи*	Чеклов ўрнатилган худуд номи	Товар тури	Рўйхатга олинган касаллик номи
	Хитой Халқ Республикаси	Мамлакат худуди	Тирик ҳайвонлар (қорамол, чўчқа, қуй-эчки), термик ишловдан махсулотлари, чўчқа эмбриони ва уруғи	Оқсил, Чўчқаларнинг африка ўлати
13.	Хитой Тайпей	Мамлакат худуди	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
14.	Жанубий Корея	Мамлакат худуди	Тирик чўчқа, чўчқа гўшти ва термик ишловдан махсулотлари, чўчқа эмбриони ва уруғи	Чўчқаларнинг африка ўлати
	Жанубий Корея	Мамлакат худуди	Тирик ҳайвонлар (қорамол, чўчқа, қуй-эчки), гўшт ва хом ашёси	Оқсил
15.	Жанубий Африка Республикаси	Western Cape, North West провинциялари	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
	Жанубий Африка Республикаси	Mpumalanga (Eastern Transvaal), Limpopo провинциялари	Тирик ҳайвонлар (қорамол, чўчқа, қуй-эчки), гўшт ва хом ашёси	Оқсил
16.	Латвия	Мамлакат худуди	Тирик чўчқа, чўчқа гўшти ва термик ишловдан махсулотлари, чўчқа эмбриони ва уруғи	Чўчқаларнинг африка ўлати
17.	Литва	Мамлакат худуди	Тирик чўчқа, чўчқа гўшти ва термик ишловдан махсулотлари, чўчқа эмбриони ва уруғи	Чўчқаларнинг африка ўлати

Т/р	Давлат номи*	Чеклов ўрнатилган ҳудуд номи	Товар тури	Рўйхатга олинган касаллик номи
18.	Ливия	Мамлакат ҳудуди	Тирик ҳайвонлар (қорамол, чўчка, қуй-эчки), гўшт ва хом ашёси	Оқсил
19.	Молдова	Мамлакат ҳудуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан маҳсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўққаларнинг африка ўлати
20.	Морокко	Мамлакат ҳудуди	Қуй ва эчкилар шунингдек майда шохли моллар ўлатига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк ҳайвонлари, гўшт, тери-жун хом ашёлари	Майда шохли моллар ўлати
21.	Намибия	Мамлакат ҳудуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан маҳсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўққаларнинг африка ўлати
22.	Нигерия	Мамлакат ҳудуди	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда маҳсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи қушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
23.	Польша	Мамлакат ҳудуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан маҳсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўққаларнинг африка ўлати
24.	Португалия	Мамлакат ҳудуди	Йирик ва майда шохли мол, туя, блотанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк ҳайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блотанг
25.	Словакия	Мамлакат ҳудуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан маҳсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўққаларнинг африка ўлати
26.	Исроил	Мамлакат ҳудуди	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда маҳсулотлари, насли	Юқори патогенли парранда гриппи

Т/р	Давлат номи*	Чеклов ўрнатилган худуд номи	Товар тури	Рўйхатга олинган касаллик номи
			инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи кушлар	
27.	Испания	Страна Басков, Андалус вилоятлари	Йирик ва майда шохли мол, туя, блютанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк хайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блютанг
28.	Россия	Москва вилояти	Қўй ва эчкилар ҳамда уларнинг гўшти ва термик ишловдан ўтмаган махсулотлари	Қўй ва эчкиларнинг чечак касаллиги
	Россия	Мамлакат худуди	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан махсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўчкаларнинг африка ва классик ўлат касалликлари
	Россия	Забайкал ўлкаси	Тирик хайвонлар (қорамол, чўчка, қуй-эчки), гўшт ва хом ашёси	Оқсил
29.	Америка Қўшма Штатлари	Жанубий Каролина	Тирик парранда, парранда гўшти, термик ишловдан ўтмаган (камида 70° С) барча турдаги парранда махсулотлари, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжалар, шу жумладан парранда гриппига мойил ёввойи кушлар	Юқори патогенли парранда гриппи
30.	Руминия	Мамлакат худуди	Гўшт-суяк уни	Қорамолларнинг спонгиформ энцефалопатияси
31.	Тунис	Мамлакат худуди	Йирик ва майда шохли мол, туя, блютанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк хайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блютанг
32.	Туркия	Мамлакат худуди (Эдирне, Киркларели, Текирдаг, Истанбул ва Чанаккале худудларидан ташқари)	Тирик хайвонлар (қорамол, чўчка, қуй-эчки), гўшт ва хом ашёси	Оқсил

Т/р	Давлат номи*	Чеклов ўрнатилган хууд номи	Товар тури	Рўйхатга олинган касаллик номи
33.	Франция	Савойя, Юра, Ардеш, Изер, Атлантические Пиренеи, Ло, Вогезы, Дром, Дё-Севр, Верхняя Сона, Йонна, Тарн, Верхние Альпы хуудлари	Йирик ва майда шохли мол, туя, блютанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк хайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блютанг
34.	Швецария	Мамлакат хууду	Йирик ва майда шохли мол, туя, блютанг касаллигига мойил ёввойи, зоопарк ва цирк хайвонлари, буқа уруғи, йирик ва майда шохли мол эмбриони	Блютанг
35.	Япония	Мамлакат хууду	Тирик чўчка, чўчка гўшти ва термик ишловдан махсулотлари, чўчка эмбриони ва уруғи	Чўчкаларнинг классик ўлати
36.	Эрон Ислом Республикаси	Мамлакат хууду	Отлар ва манқа касаллигига мойил тоқ туёкли хайвонлар	Отларнинг манқа (САП) касаллиги

Эслатма: *чеклов Бутунжаҳон хайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ташкилотининг маълумотларига мувофиқ тайёрланди ҳамда дунё мамлакатларида эпизоотик вазиятнинг ўзгаришига қараб чеклов ўрнатилиши ёки уни бекор қилиниши мумкин